

Qoraqalpog'iston Respublikasi, To'rtko'l
tumani Davlat xizmatlari markazi
tomonidan 2023 yil 20 07
2311 - son reestr
raqami bilan
«QAYTA RO'YXATGA OLINGAN»



"To'rtko'l paxta tozalash" aksiyadorlik

jamiyati aktsiyadorlarining

2023 yil 27 mondagi umumiy

iyigliishi bainnomasi bilan

"TASDIKLANGAN"



«TO'RTKO'L PAXTA TOZALASH» aksiyadorlik jamiyati USTAVI

1. Aksiyadorlik jamiyati nomi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.
2. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: Qoraqalpog'iston Respublikasi, To'rtko'l tumani, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Tashkent viloyati, Oshimsky district, Tashkent city, 2023 yil 27 mondagi umumiy iyigliishi bainnomasi bilan.
3. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.

4. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.

5. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.

6. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.

7. Aksiyadorlik jamiyati qurilganchasi: «To'rtko'l Paxta Tozalash» aksiyadorlik jamiyati.

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошقا қонун ҳуюкатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Бундан буён матнда "жамият" деб аталувчи «To'rtko'l paxta tozalash» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси)нинг 1994-йил 14-сентябрдаги 2-349-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва Қорақалпогистон Республикаси Кегейли туманининг Давлат хизматлари маркази томонидан 2019-йил 3-август № 777-сон билан рўйхатта олинган.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармогини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори ва бошقا норматив-ҳуқуқий ҳуюкатларга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «To'rtko'l paxta tozalash» aksiyadorlik jamiyati;
кирилл ёзувида: «Тўртқўл пахта тозалаш» акциядорлик жамияти.

4.2. Қорақалпоқ тилида:

лотин ёзувида: «Turtkul paxta tazalaw» akcioneerlik ja'miyeti;
кирилл ёзувида: «Туртқул пахта тазалаў» акционерлик жәмийети.

4.3. Рус тилида: Акционерное общество «Туртқул пахта тозалаш».

4.4. Инглиз тилида: Joint stock company «Turtkul pakhta tozalash».

5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «To'rtko'l paxta tozalash» AJ;
кирилл ёзувида: «Тўртқўл пахта тозалаш» АЖ.

4.2. Қорақалпоқ тилида:

лотин ёзувида: «Turtkul paxta tazalaw» AJ;
кирилл ёзувида: «Туртқул пахта тазалаў» АЖ

5.3. Рус тилида: АО «Туртқул пахта тозалаш».

5.4. Инглиз тилида: JSC «Turtkul pakhta tozalash pakhta tozalash».

6. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган ери: Қорақалпогистон Республикаси Тўртқўл тумани, Беруний кўчаси 1-й. Почта индекси 231200.

- почта манзили: Қорақалпогистон Республикаси Тўртқўл тумани, Беруний кўчаси 1-й. Почта индекси 231200.

Жамиятнинг электрон почта манзили: turtkulpaxtatozalash@mail.ru

Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: tortkulpaxta.uz

I.ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

7. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Жамият давлат рўйхатидан ўtkazilgan пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўrsatiш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк

хисобвараклари очишга ҳақлидир.

10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вактнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

11. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

12. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

13. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

14. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

15. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

16. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юқлатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳукуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

17. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

18. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

II.ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

19. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

20. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турини амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш, ижарага олиш;

21. Жамият Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужоатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли.

22. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидаган фаолият турлари жамият томонидан қонун ҳужоатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

23. Мазкур Уставда кўрсатилган ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият инвестицион ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий

хужокатлари билан ман этилмаган фаолиятларнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

24. Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

III.ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

25. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

26. Жамиятнинг устав капитали 1 874 880 000 сүмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 4 500 сүм бўлган 409 263 дона оддий ва 2088 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

27. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

28. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

29. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4 500 сүм бўлган 4 092 630 (тўрт миллион тўқсон икки минг икки юз олтмиш уч) дона оддий ва 20 880 (йигирма минг саккиз юз саксон) дона имтиёзли акциялардан иборат.

30. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

31. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

32. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар кузатув кенгаси томонидан қабул қилинади.

33. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

34. Имтиёзли ҳуқуқга эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

35. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар

хужокатлари билан ман этилмаган фаолиятларнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

24. Жамият қонунчилиқда белгиланган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

III.ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

25. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

26. Жамиятнинг устав капитали 1 874 880 000 сүмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати 4 500 сүм бўлган 409 263 дона оддий ва 2088 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

27. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

28. Қўшимча акциялар жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

29. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4 500 сүм бўлган 4 092 630 (тўрт миллион тўқсон икки минг икки юз олтмиш уч) дона оддий ва 20 880 (йигирма минг саккиз юз саксон) дона имтиёзли акциялардан иборат.

30. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

31. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

32. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

33. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

34. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

35. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар

билан тұлаш тұғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тұланған тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бүйіча амалга оширилади.

36. Солиққа оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тұғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилген овоз берувчи акцияларининг камида учдан иккى қисми згалары бүлганса акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бүлганса тақдирда, акциядорларнинг оддий күпчилік овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

37. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартыриш йўли билан камайтирилиши мумкин.

38. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тұғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

39. Агар устав капиталини камайтириш натижасыда уннинг миқдори қонун ҳужжатларыда белгиланған энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақылғы эмес.

40. Устав капиталини камайтириш тұғрисида қарор қабул қилған вақтда Акциядорларнинг умумий йигилиши устав капитални камайтириш сабабларини күрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИННИҢ ТУРЛАРИ, УЛАРНИҢ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

41. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 4500 (тўрт минг беш юз) сўм.

Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

42. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тутатилған тақдирда уннинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

43. Жамият ўзи жойлаштирган оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

44. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфидан қоладиган соғ фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тұланади. Имтиёзли акциялар бүйіча дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мүлжалланған фонdlари ҳисобидан ҳам тұланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бүйіча ҳисобланған дивидендларни тұлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бүлганса тенг ҳуқуқларига риоя этилған ҳолда амалга оширилади.

45. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблаглари ёки бошқа қонуний тұлов воситалари ёхуд жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тұланиши мумкин.

46. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равищда тақсимланади.

Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

47. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлайди, қонун хужкатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш, дивидендинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўгрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивиденdlарни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

48. Жамият қонун хужкатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

49. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йигилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

50. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

51. Жамият устав капиталининг 15 фоиз миқдорида захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўtkазади.

52. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

53. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

54. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

55. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йигилишини ўtkазиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўtkазилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши одатда июнь ойининг иккинчи ярмида ўtkазилади.

56. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йигилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йигилиш ўtkazilgunga қадар алмаштириш имконияти билан) кўrsatiш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига зга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай ёзма тақдим этилиши лозим.

57. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида куйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;

- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- кузатув кенгашининг жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш билан боғлиқ қарорларини маъқуллаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- кузатув кенгаши ва ижроия органининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужоатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хуносаларини эшлиши.

Йигилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

58. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

59. Акциядорларнинг умумий йигилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

60. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини қонун хужоатларида белгиланган тартибда белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
 - жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
 - жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
 - тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужоатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хуносаларини эшлиши;

- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклишириш;
- қонунчилиқда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш мажбуриятини олиш тұғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклинин тасдиқлаш;
- жамият мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларында риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексінде назарда тутилған ахборотларни ошкор этмаганлик учун Үзбекистон Республикасынинг Мемлекеттік кодексінде күрсатылған интизомий жазо чораларини құллаш;
- жамияттің бошқарув органдары тұғрисидегі, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати, ахборот сиёсати тұғрисидегі, манбааттар қарама-қаршилиги вақтида қарапат қилиш тартиби тұғрисидегі низомларини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилоттар – маслахатчиларни жалб қылған ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамияттің ривожланиш мақсадларында мувофиқлиги юзасидан таҳлил үтказиш тұғрисида қарор қабул қилиш мүмкін;
- жамияттің жорий хұжалик фәолияти билан бөглиқ битимларни белгилаш;
- ҳомиийлік (хайрия) ёки бегараз ёрдам күрсатыш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни ошириш ваколатини ижроия органдың беріш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланған ҳолда), шунингдек, үз ваколатини вакилга беріш йўли билан овоз беріш ёки умумий йигилишни видеоконференц-алоқа тарзыда үтказыш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - жамияттің йиллик бизнес-режасини белгиланған тартибда тасдиқлаш;
 - саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби тасдиқлаш;
 - жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик құмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик құмитасы тузилған тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - мажбурий аудиторлик текширувани үтказыш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларында тұланадиган энг күп ҳақ міндері ва у билан шартнома тузиш (шартноманың бекор қилиш) тұғрисида қарор қабул қилиш;
 - акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисобот берувчи жамият бошқарув ва назорат органдары маъruzalari (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлған талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;
 - қонун ҳужоқатларында ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

61. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилған акциядор томонидан берилған ишончнома асосида иш юритади.

62. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинған қарорлар қонун ҳужоқатларында белгиланған мүддатларда жамият корпоратив веб-сайтіда ва Корпоратив ахборот ягона порталауда жойлаштырылади. Агар жамият акциялари

ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

63. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

64. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужкатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

65. Жамият Акциядорлар умумий йигилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

66. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

67. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилиши ва сайланиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган тақдирда Кузатув кенгаши таркиби камидан бир нафар мустақил аъзо киритилади.

Куйидаги шахс Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

- а) сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилланган шахсларида ишламаган шахс;
- б) жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;
- в) жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
- г) жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан bogliq bouldan xollap moustasno;
- д) жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгти уч йил ичida уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўгай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;
- е) давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

68. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўгрисида"ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ижроия органи раҳбари лавозимига танловни ташкил этиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш. Кўрсатилган тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сон қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўгрисида"ги низомда белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланиши мумкин;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай белгиланган тартибда маъкуллаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва улар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини (шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгashi ваколат берган шахс томонидан имзоланади) тузиш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшлиб бориш;
- жамият кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ хужжатларни ижроия органидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш учун олиш;
- аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўгрисида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шұйба ва тобе хұжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланған жамияти шаклларида түзилади);
- Қонунда белгиланған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар түзиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битімларни қонун ұжокатларида белгиланған тартибда түзиш;
- әхтиёждан келиб чиққан холда, кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, бөш директор, жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соңа мутахассислари, соңа олий таълим муассасалари үқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бүйіча құмиталар (ишчи гурұхлари) ташкил этиш;
- жамиятнинг устав капиталини құпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини құпайтириш ҳамда жамиятнинг зыян қылинған акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ үзгартыш ва құшимчалар киритиш тұғрисидаги қарор қабул қилиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уошған биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини тасдиқлаш (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилған тақдирда);
- аввал рүйхатдан ўтказилған қимматли қоғозлар чиқарилишларига үзгартыриш ва (ёки) құшимчалар киритиш;
- ҳомиийлік (хайрия) ёки беғараз ёрдам күрсатиш (олиш) тұғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий үйгилиши томонидан белгиланған тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ұжокатларида белгиланған доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш.

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ұжокатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий үйгилиши томонидан тасдиқланған "Кузатув кенгаши тұғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мүмкін.

69. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз беріш орқали амалға оширилади. Кумулятив овоз берішда ҳар бир акциядорға тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бүлгап шахслар сонига құпайтирилади ва акциядор шу таріқа олинған овозларни битта номздодға тұлиқ берішга ёки уларни иккі ва ундан ортиқ номздолар үртасида тақсимлашға ҳақлидір. Энг күп овоз тұплаган номздолар жамият кузатув кенгаши таркибига сайланған деб ҳисобланади.

70. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг үzlари орасидан күпчилік овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши үз раисини жами аъзоларининг күпчилік овози билан қайта сайлашға ҳақлидір.

71. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

72. Кузатув кенгashi раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

73. Кузатув кенгashi мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси, Бош директори талабига кўра чақирилади.

Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгashi мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш хукуқига зга.

74. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгashi аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгashi мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга зга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгash раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Кузатув кенгashi мажлисида қабул қилинган қарорлар акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига кўриб чиқилиши ёки маъқулланиши учун киритилиши мумкин.

75. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгashiga сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг сони уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

76. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

77. Мажлисда кузатув кенgashi аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

78. Кузатув кенgashi ва унинг раиси ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужоатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

79. Кузатув кенgashi мазкур Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенgashi тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

80. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи раҳбари-Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директор ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенgashi ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

81. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

82. Бош директор Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

83. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ҳамда жамият билан бир йил муддатта тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

84. Бош директор тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

85. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган бош директор, бош директорни сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

86. Бош директорга тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги Низомда белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланиши мумкин.

87. Бош директор ваколатига қўйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшлиши;
- жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва миқдорда мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир неча битимлар бўйича қарор қабул қилиш, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.
- жамиятнинг асосий воситаларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси лойиҳасини жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирмай кузатув кенгашига тақдим этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши бўйича ҳар чоракда кузатув кенгашига ҳисобот бериш;
- жамият номидан битимлар тузиш;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- ходимлар штатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорида кўрсатилган "Ўзпахтасаноат" АЖнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб унинг тавсияси асосида тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизоми сақлаб турилишини таъминлаш;
- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишёнчномалар бериш;
- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан молиявий ҳисботларни зълон қилиш мақсадида уларни Молиявий ҳисботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- норматив-хукуқий ҳужокатларга мувофиқ жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг идоравий архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужокатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужокатларига ҳамда жамият ички ҳужокатларига риоя қилиш;
- қонун ҳужокатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

88. Бош директор акциядорлар умумий йигилиши кун тартибидаги масалалар ва соғ фойдани тақсимлаш бўйича жамият кузатув кенгашига тақлиф киритади.

89. Бош директор ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужокатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

90. Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

91. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Бош директор ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

92. Жамиятга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бош директор жавобгар бўлмайди.

93. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир

фоизига зғалик құлувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятта етказилган заарларнинг ўрнини қоллаш тұғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши айзоси, Бөш директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақы.

94. Кузатув кенгаши ва уннинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини күзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва уннинг акциядорлари олдида жавобгардир.

95. Бөш директор ўз ҳуқуқларини бажаришда Жамият манфаатларини күзлаб иш амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва уннинг акциядорлари олдида жавобгардир.

XI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Аудиторлық ташкилоти (ташқи аудитор)

96. Аудиторлық ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда жамият молия-хұжалик фәолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлық холосасини ҳамда ҳисоботини тақдим этади.

97. Аудиторлық ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотұғри холосаны ўз ичига олған аудиторлық холосаси тузилғанлығы оқибатида етказилған зарап учун жамият олдида жавобгар бўлади.

б) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

98. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлған ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

99. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фәолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланған низом асосида амалга оширилади.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

100. Жамият қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фәолияти тұғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Башқаруви раисининг зиммасида бўлади.

101. Жамиятнинг молиявий ҳисботида күрсатилған ва Акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисбварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки уннинг акциядорлари билан боғлик бўлмаган аудиторлық ташкилоти томонидан тасдиқланған бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилған йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилғанидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида иккى ҳафта олдин эълон қиласи.

102. Жамиятнин йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

103. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

104. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужоатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

105. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужоатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

106. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равища суд орқали ҳал қилинади.

107. Маъкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужоатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«Тўрткўл пахта тозалаш» АЖ
Бош директори



Ж.Серикбаев

Yuridik shaxsnı davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"TO'RTKO'L PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkilly-huquqly shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"TO'RTKO'L PAXTA TOZALASH" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 392 386

Soliq ta'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

12.08.2016

Sana

2311

Tasdiqlandi

Tashkilly-huquqly shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

QORAQALPOG' ISTON RESPUBLIKASI, TO'RTKO'L TUMANI, TO'RTKO'L, BERUNIY1-UY

Tomonidan berilgan:

TO'RTKO'L TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1123143



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan keyin

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchilarning identifikasiya nizamini (5 TIN)	200 392 386	Nomi	To'RTKO'L PARTYA TOZALASH	Yuridik shaxs	O'ZPAXTASANOT AJ	Miqdori: 1 874 880 000 so'm	Ushbu 100.00%
Tashbeysi - huquqiy shaxsi		Aksiyadorlik jamiyat					
Joylashqan joyi (marmza)		Qoraqalpog'siston Respublikasi, To'rtko'u tumani,					
Qoraqalpog'siston Respublikasi, To'rtko'u tumani,		Berenay -uy					

Oldingi ta'sischilar

Soliq to'lovchilarning identifikasiya nizamini (5 TIN)	200 392 386	Nomi	To'RTKO'L PARTYA TOZALASH	Yuridik shaxs	O'ZPAXTASANOT AJ	Miqdori: 1 874 880 000 so'm	Ushbu 100.00%
Tashbeysi - huquqiy shaxsi		Aksiyadorlik jamiyat					
Joylashqan joyi (marmza)		Qoraqalpog'siston Respublikasi, To'rtko'u tumani,					
Qoraqalpog'siston Respublikasi, To'rtko'u tumani,		Berenay -uy					

20.07.2023 2220889
Guvahname o'rjini san'a
Ariza raqami

1123142

20.07.2023 2220889
Guvahname o'rjini san'a
Ariza raqami

1123142





O'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnomalar

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to 'g' riida ma'lumot
Imtixozli

Aksiyalar soni: 2088

Aksiya bahosi: 4 500 so'm
Aksiyalar soni: 2088
Otdiy aksiyalar
Aksiyalar soni: 4 14552

Ustav fondi

1874 880 000 so'm

20.07.2023
22208869
Guvochnomi deng'an sanasi
Arizh raqami



1123142